

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АШИРБАЕВ ЭРМАТ АЗИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СТАТИСТИК
БАҲОЛАШ**

08.00.06. – Эконометрика ва статистика

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

**ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences**

Аширбаев Эрмат Азимович

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес соҳасининг иқтисодий
ривожланиш жараёнларини статистик баҳолаш
.....3

Аширбаев Эрмат Азимович

Статистическая оценка процессов экономического развития сферы
малого бизнеса в Республике Узбекистан.....29

Ashirbaev Ermat Azimovich

Statistical assessment of the processes of economic development of small
business sphere in the Republic of Uzbekistan55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АШИРБАЕВ ЭРМАТ АЗИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СТАТИСТИК
БАҲОЛАШ**

08.00.06. – Эконометрика ва статистика

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.11.2016/В2016.4.1720 рақам ва ўзгартирилган нашри В2020.4.PhD/Iqt1544 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида(www.instat.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Расулев Дилмурод Мирзахмедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Атаниёзов Болтабой**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Нуриддинов Зуфар Акбарович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.29/30.12.2019.I.92.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: info@instat.uz.

Диссертация билан Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

С.С.Гулямов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
и.ф.д., академик

К.Х.Жумаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
и.ф.н., доцент

Б.К.Ғойибназаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётларнинг иқтисодий ривожланишида кичик ва ўрта бизнес соҳалари муҳим ўрин эгаллаб, янги иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлашда, даромадлилик даражасини оширишда ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро валюта фондининг статистик маълумотларига кўра, «ҳозирги кунда жаҳонда фаолият юритаётган корхоналарнинг 90,0 фоизи кичик ва ўрта бизнес соҳасига тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63,0 фоиз аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаб келмоқда»¹.

Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес самарадорлигини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур масалалар бўйича, жумладан кичик бизнес соҳасини йирик бизнес билан кооперациялаш, кичик бизнес соҳасининг ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш, интеграл кўрсаткичлар асосида баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш ҳамда истиқболли ривожланиш стратегиялари ва концепцияларини ишлаб чиқиш йўналишларида устувор даражада тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда охириги йилларда кичик бизнес соҳасини қўллаб-қувватлаш, унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги ва бандликдаги улушини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, тармоқларни иқтисодий ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, хусусий секторни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш»² каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда кичик бизнес соҳасининг иқтисодий ривожланиш тенденцияларини статистик баҳолаш, интеграллашган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, ахборотлар базасини такомиллаштириш, эконометрик моделларини тузиш ва истиқболларини статистик прогноزلаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

¹ <http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

фармонлари, 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ–4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ–4702-сон «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий–услубий асослари хорижлик олимлардан: Сэй Ж.Б., Маршалл А., Шумпетер Й., Кейнс Ж., Хизрич Р., Питерс М., Хайек Ф., Лапуста М., Старостин Ю.Л.³ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатларида кичик бизнес соҳасини статистик тадқиқ этиш ҳамда эконометрик моделларини тузиш масалалари бўйича Власова В.М., Шестаков А., Егорова Н.Е. Савченко В.М., Федотова М.А., ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган⁴.

Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, эконометрик моделларини тузиш ҳамда истиқболларини прогнозлаш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан: Фуломов С.С., Шодиев Т.Ш., Абдуллаев Ё., Алимов Р.Х., Бегалов Б.А., Улашев И.О., Ғойибназаров Б.К., Кенжабоев О.Т., Хўжақулов Х.Д., О.Қ.Рихсимбоев, Югай А.Б. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁵.

³ Ж.Б.Сэй Трактаты политической экономии. – М.: Экономика, 1985. – 55 с.; А.Маршалл Принципы политической экономии. Т. – 1. – М.: Прогресс, 1993. – 415 с.; Й.Шумпетер. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1985. –159 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241.; Р.Хизрич, М.Питерс Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.; Хайек Ф. Дорога к рассвету – М.: Экономика, 1992. – 91 с.; М.Г. Лапуста, Ю.Л. Старостин Малое предпринимательство. М.: Инфра-М, 1997. – С.87.

⁴ В.М.Власова Основы предпринимательской деятельности. – М.: Финансы и статистика, 1996 – 106 с.; А. Шестаков Предпринимательская деятельность. – М.: 2000, - 263 с.; Н.Е. Егорова Моделирование деятельности малого предприятия //Экономика и математические модели. Том 35, №2, 1999. -67-69 с.; Савченко В.М. Феномены предпринимательства. // .Рос.экон. журнал. – М.: 2006. №9. - 46 с.; Федотова М.А. Доходы предпринимателя. – М.: 1993. – 235 с.

⁵Фуломов С.С Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: 2008. – 365 б; Шодиев Т.Ш., и др. Эконометрика. учеб. пособие. – Т.: Шарқ, 1999 -240 с.; Б.А.Бегалов Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. И.ф.д. илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация иши.Т. 2001. -330 б.; Ё.Абдуллаев Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. - 349 б; Алимов Р.Х. ва бошқалар. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2004. - 320 б.; Ғойибназаров Б.К. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.; Хўжақулов Х.Д. ва бошқалар. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида таркибий ўзгаришларнинг самарали йўллари статистик методлар асосида ишлаб чиқиш. Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2018. – 206 бет. Кенжабаев О.Т.

Шунингдек, амалга оширилган илмий тадқиқотларга қарамасдан рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда кичик бизнес соҳасининг иқтисодий фаолиятини статистик усуллардаги таҳлилни такомиллаштириш, ахборотлар базасини шакллантириш, иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи омилларни эконометрик моделлар асосида баҳолаш ҳамда прогнозлаш масалалари кенг доирада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Бу эса тадқиқот мавзуси танланиб, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга сабаб бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-3 «Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналари ривожланишининг илмий методологик асосларини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда кичик бизнес соҳасининг иқтисодий ривожланиш жараёнларини статистик баҳолашни такомиллаштириш ва истиқболларини прогнозлаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес соҳасининг миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослаш;

кичик бизнес соҳаси фаолиятини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

кичик бизнес соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини статистик баҳолаш борасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш ва улардан маҳаллий даражаларда фойдаланиш йўлларини асослаш;

кичик бизнес соҳасининг статистик ҳисоб тизимини ва уларнинг ахборотлар базасини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида кичик бизнес соҳасининг ривожланишини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш;

кичик бизнес соҳаси фаолиятини иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш;

мамлакатимизда кичик бизнес соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг эконометрик моделларини тузиш ва прогнозлаш вариантларини асослаш;

республикаимизда кичик бизнес соҳаси фаолиятини устувор ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш.

Тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: Иқт.фан. докт. дисс.автореф. – Т.: 2005-39 б.; Рихсимбоев О.Қ. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик башоратлаш.: Иқт.фан. номз. дисс. автореф. – Т.: 2002. - 22 б.; Югай А.Б. Моделирование процессов управления развитием производства предприятий малого бизнеса.: Иқт.фан. номз. дисс. автореф. –Т.: 2004.-22 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес соҳаси корхоналарининг иқтисодий фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини тадбиркорлик муҳити, унинг ривожланиш жараёнларидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, статистик кузатиш, статистик жамлаш ва гуруҳлаш, ўртача миқдорлар, динамика қаторлари, корреляцион ва регрессион таҳлил, эконометрик моделлаштириш ҳамда прогнозлаш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичларини ифодаловчи «тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги», «янги тадбиркорлик субъектларининг ўсиши», «кичик бизнесда янги иш ўринларини яратиш» индикаторлари ишлаб чиқилган;

худудларнинг кичик бизнес соҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини баҳолашда ҳаққонийликни таъминловчи «агрегатлашган иқтисодий индикаторлар» ва «бизнес фаолиятини таснифлаш» статистик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

кичик корхона ва микрофирмаларнинг ривожланиш самарадорлигини ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, инновацион каби омилларни эътиборга олган ҳолда статистик баҳолашнинг интеграллашган

коэффициенти ишлаб чиқилган ($K_c = \frac{V_{SB}}{V_M} + \frac{V_{NSB}}{V_{NM}} + \frac{R_{SB}}{T_N} + \frac{Z_{SB}}{Z_{MO}} + \frac{\sum_{i=1}^n N_i}{N_t} + \frac{V_{ИМИ}}{V_{ОП}}$);

кўп вариантли эконометрик моделларни куриш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2021-2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

кичик бизнес соҳасини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимининг ахборотлар базаси «катта сонлар» мезонларини қўллаш ҳисобига такомиллаштирилган;

тизимли ёндашувларни қўллаш асосида кичик бизнес соҳасини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган;

инвестицион фаолият ҳамда даромад ва харажатларни бошқариш тамойилларини статистик баҳолаш натижасида кичик бизнес соҳасини молиявий самарадорлигини баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

эконометрик моделларни қўллаш асосида кичик бизнес соҳасини иқтисодий фаолиятини ўрта муддатга мўлжалланган статистик прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Савдо-саноат палатаси статистик маълумотларидан олинганлиги

ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг масъул идоралар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик бизнес соҳасининг иқтисодий фаолиятини статистик усулларда таҳлил қилишга оид назарий ва услубий ёндашувлар ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан республикада кичик бизнес соҳасини ривожлантириш ҳамда прогнозлашда, соҳани истиқболли ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқишда, шунингдек назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида «Статистика», «Эконометрика асослари», «Худудлар иқтисодиёти» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимизда кичик бизнес соҳаси фаолиятини статистик усуллардаги таҳлили ва самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичларини ифодаловчи «тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги», «янги тадбиркорлик субъектларининг ўсиши», «кичик бизнесда янги иш ўринларини яратиш» индикаторлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ–4702-сон «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 29 мартдаги 03/14-01-6/223-сон маълумотномаси). Шунингдек, ишбилармонлик ва тадбиркорликка оид статистик ахборотларни (даврий қаторларнинг мажмуавийлиги, ахборотлар сифати ва тўлиқлилик камрови) кўшиш асосида кичик бизнес соҳасининг иқтисодий фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибиятини 2021 йил 27 мартдаги №21-12-01-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар худудларда кичик тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши, худудий-иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик даражасига таъсирини баҳолаш имконини оширган;

инвестицион жозибадорлик, инвестицион салоҳият ҳамда реал инвестициялар ҳажмини интеграл кўрсаткичлари асосида кичик бизнес соҳасининг молиявий самарадорлигини баҳолаш услуби бўйича таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»нинг 79-бандини ишлаб чиқишда инобатга олинган. (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 9 декабрдаги 4/05-16-10260-сон маълумотномаси). Ушбу янгиликлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимини даврийлигини таъминлашда, вақтли қаторлардан самарали фойдаланиш, кўрсаткичларни тизимли баҳолаш имкониятларини 10-15 фоизга оширишга хизмат қилган;

кичик бизнес соҳаси фаолиятини тавсифловчи омиллар (ишлаб чиқариш, технологик, меҳнат, молиявий, ташқи ва инновацион) ва ташкилий-иқтисодий механизмлар ҳисобига инновацион-иқтисодий самарадорликни баҳолаш услуги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»нинг 229-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибиятининг 2021 йил 27 мартдаги №21-12-01-сон маълумотномаси). Мазкур янгиликлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ифодаловчи молиявий кўрсаткичлар самарадорлигини комплекс баҳолаш имкониятлари 10-12 фоизга оширишга эришилган;

кичик бизнес соҳасининг стратегик йўналишларини эътиборга олган ҳолда истиқболли ривожлантиришнинг ўрта муддатга мўлжалланган статистик прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»нинг 91-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 29 мартдаги 03/14-01-6/223-сон маълумотномаси). Бу эса ҳудудлардаги кичик бизнес соҳасининг келгусидаги ривожланиш истиқболларини баҳолаш имкониятларини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 8 та, шу жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссияси эътироф этган маҳаллий илмий журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 8 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес соҳаси фаолиятини статистик тадқиқ этишнинг назарий асослари**» деб номланувчи биринчи бобида кичик бизнес соҳаси иқтисодий фаолиятини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий асослари, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда статистик кўрсаткичлар тизими ёритилган.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда тадбиркорлик, жумладан, кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражаси асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик фаолияти асосий иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланиб, инсоний ресурсларнинг таркибий қисмини ташкил қилади ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмалари йирик ишлаб чиқаришга ҳаракатчанлик бахш этади. Ўз даврида А.Смит тадбиркорга қуйидагича таъриф беради: «Тадбиркор - хўжалик юритиш таҳликасини ўз зиммасига олувчи капитал эгасидир». Ж.Б.Сэй фикрига кўра, тадбиркор бу ишлаб чиқариш омилларини уйғунлаштирадиган ёки иқтисодий ресурсларни паст унумдорлик ва фойдалилик соҳасидан юқори фойдалилик ва унумдорлик соҳасига йўналтирадиган иқтисодий гумаштадир⁶.

К.Макконелл ва С.Брюлар тадбиркорликнинг, асосида узлуксиз шартлар ва талаблар ётувчи муҳим фаолият тури сифатида қарашади. Биринчидан, тадбиркор товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва «катализатор» вазифасини бажаради. Иккинчидан, бизнесни юритиш жараёнида у қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади. Учинчидан, тадбиркор - ташкилотчи шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб, янги маҳсулот-

⁶ Ф.Шамхалов Роль предпринимателя в рыночной экономической системе. М.: Маркетинг. 1997. №3. с. 95

лар ишлаб чиқаришга интилади. Тўртинчидан, тадбиркор бу таҳликага боровчи инсондир. У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, ҳиссадорлари қўшган маблағлар билан ҳам таҳликага боради⁷.

Россия Фанлар академияси академиги Л.И.Абалкин ҳам тадбиркорликни фаолиятнинг ўзига хос тизими сифатида қатор афзалликларга эгадир деб таъкидлайди. Бу афзалликлар иш йўналиши ва усуллари танлаш эркинлиги, мустақил қарорлар қабул қилиш, фойда олиш, қабул қилинган қарорлар учун жавобгарлик ва ҳоказолардир. Л.И.Абалкиннинг фикрича, етарли ривожланган бозор хўжалиги тадбиркорликни ривожланишининг негизи ҳисобланади⁸.

Профессор Х.П.Абдулқосимов фикрича «тадбиркорлик – бу инсон мақсадларини рўёбга чиқариш ва фаоллигини ошириш йўналишларидан биридир»⁹.

Бизнинг фикримизча, «тадбиркорлик, кенг маънода, шахсий манфаатга асосланган, субъект олдида турган мақсадга эришишга қаратилган, унинг бевосита иштирокида ўзининг шахсий омилларига асосланиб, амалга ошириладиган, оила хўжалигини юритишдан тортиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишгача бўлган юмушлар билан боғлиқ ақлий фаолият» сифатида қаралади. Тор маънода, «тадбиркорлик фаолияти фақат иқтисодий соҳанинг турли-туман даражаларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни соҳибкорликни» ифодалайди.

Мустақиллик йилларининг илк кунларидан бошлаб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада бир қатор қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа соҳани ривожлантиришга оид бир қатор меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ҳамда хусусий секторни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди¹⁰. Ушбу вазифалар республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг турли даражаларда ривожланиш омиллари ва тенденцияларини статистик усулларда баҳолаш, статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, иқтисодий ривожланиш стратегияларининг

⁷ К.Макконелл, С.Брю Экономикс. Принципы, проблемы и политика. М.: Республика, 1992, с. 38

⁸Л.И. Абалкин Заметки о российском предпринимательстве. М.: Прогресс-Академия, 1994, с.12

⁹Х.П.Абдулқосимов Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Иқт. фан. док. дисс. автореф. Тошкент, 2005, 27-б.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

эконометрик моделларини тузиш ва статистик прогнозлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.


Диссертацияда амалга оширилган статистик тадқиқотлар мамлакатимизда кичик бизнес соҳасининг тараққиёти ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан 3 та омилини ривожлантиришга олиб келишини кўрсатмоқда. Яъни:

биринчидан: аҳолининг даромад омили сифатида ҳаёт даражасини юксалишига олиб келади;

иккинчидан: иш билан бандлик омили сифатида ишсизликни камайтиришга олиб келади;

учинчидан: маҳсулот ва хизмат омили сифатида диверсификациялашга олиб келади.

Кичик бизнес соҳасини статистик тадқиқ этиш – бу жараён соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилишини талаб этади. Шунинг учун ҳам кичик бизнес соҳасини статистик тадқиқ этишда мантиқий кетма-кетликни аниқлаш ва унинг услубий асосларини ишлаб чиқиш зарур (1-расм).



1-расм. Кичик бизнес соҳасини статистик тадқиқ этиш босқичлари¹¹

Ҳозирги кунда кичик корхоналар статистикаси маҳсулотлар ҳажми, таркиби ва динамикасини ишлаб чиқаришни ташкил қилишни, унинг ҳудудий тақсимотига нисбатан ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ўрганилади.

Кичик бизнес соҳасини статистик ўрганишнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагилар таклиф этилган: яхлитлик; тизимли ёндашув; аниқлик; ишончлилик; миқдорий баҳолаш; илмийлик; мувофиқлик; мақсадлилик; қиёсийлик.

Кичик бизнес соҳасини тадқиқ этишда статистик таҳлил усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгариш тенденциялари, ўзаро бир-бирига боғлиқлиги, ички

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

имкониятлари ва заҳиралари аниқланади, пировардида улар прогнозлаш ва самарали бошқаришни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ишида ҳудудларда кичик бизнес соҳасини ифодаловчи статистик кўрсаткичларни янада кенгроқ илмий ўрганиш ҳамда таҳлил этиш мақсадида бир катор статистик кўрсаткичлар баҳоланди. Улар қуйидагилар:

1. Кичик тадбиркорлик соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши коэффиценти (K_{KT}).

$$K_{KT} = \frac{V_{SB}}{V_M} \quad (1)$$

бу ерда: V_{SB} – кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми; V_M – ҳудудларда яратилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг умумий ҳажми.

2. Вилоят бюджетига туширилган солиқ йиғимларида кичик бизнес субъектлари улуши коэффиценти (K_C)

$$K_C = \frac{V_{NSB}}{V_{NM}} \quad (2)$$

бу ерда: V_{NSB} – кичик тадбиркорлик субъектларидан бюджетга тўланган солиқлар умумий ҳажми; V_{NM} – республика ва маҳаллий солиқларнинг умумий ҳажми.

3. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг умумий сонида кичик бизнес соҳасида ишловчи субъектлар улуши коэффиценти (K_{MK})

$$K_{MK} = \frac{R_{SB}}{T_N} \quad (3)$$

бу ерда: R_{SB} – кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар сони;

T_N – меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий сони.

4. Меҳнат субъектларига нисбатан кичик бизнес соҳасида ишловчиларнинг ўртача меҳнат ҳақларининг улуши коэффиценти (K_{MX})

$$K_{MX} = \frac{Z_{SB}}{Z_{MO}} \quad (4)$$

бу ерда: Z_{SB} – кичик бизнес соҳасида ишловчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи; Z_{MO} – жами ўртача меҳнат ҳақлари.

5. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбатан кичик корхоналар сони (K_{KK})

$$K_{KK} = \frac{T_N}{N_{SB}} \quad (5)$$

бу ерда: N_{SB} – кичик корхоналар сони.

6. Тармоқ белгилари бўйича кичик тадбиркорлик тақсимланишининг жамланма коэффиценти ($K_{\text{жамланма}}$) ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ҳажмига таъсир қилувчи sanoat, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва транспорт тармоқларининг энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлари асосида ҳисобланади.

Берилган коэффицентни ҳисоблаш учун иқтисодиёт тармоқлари ҳисобга олиниб, қуйидаги формула тавсия этилди:

$$K_{\text{жамланма}} = \sum_{i=1}^n K_i \quad (6)$$

бу ерда: K_i – иқтисодиёт тармоқлари

7. Минтақа иқтисодиётидаги умумий инвестициялар ҳажмига нисбатан кичик бизнес соҳасидаги инвестиция улуши коэффиенти (K_u):

$$K_u = \frac{V_{\text{ИМП}}}{V_{\text{ОП}}} \quad (7)$$

бу ерда: $V_{\text{ОП}}$ – иқтисодиётдаги умумий инвестициялар ҳажми.

$V_{\text{ИМП}}$ – кичик бизнес соҳасидаги инвестициялар ҳажми.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳудудларда кичик бизнес соҳаси ривож самарадорлигини баҳолашнинг умумлашган формуласи қуйидагича бўлиши тавсия этилди. Яъни:

$$K_c = \frac{V_{SB}}{V_M} + \frac{V_{NSB}}{V_{NM}} + \frac{R_{SB}}{T_N} + \frac{Z_{SB}}{Z_{MO}} + \frac{\sum_{i=1}^n N_i}{N_t} + \frac{V_{\text{ИМП}}}{V_{\text{ОП}}} \quad (8)$$

бу ерда: N_i – иқтисодиёт тармоқларидаги кичик корхоналар сони.

N_t – иқтисодиёт тармоқларидаги жами корхоналар сони.

Ушбу маълумотларни базис ва шартномага нисбатан ўзгаришини ҳисоблаш мумкин.


Бундай ҳолатда формула қуйидаги кўринишда бўлиши тавсия этилди:

$$K_{\text{ЭПЛ}} = \frac{V_{SB} \times K_{1Y}}{V_M} + \frac{V_{NSB} \times K_{2Y}}{V_{NM}} + \frac{R_{SB} \times K_{3Y}}{T_N} + \frac{Z_{SB} \times K_{4Y}}{Z_{MO}} + \frac{\sum_{i=1}^n N_i \times K_{5Y}}{N_t} + \frac{V_{\text{ИМП}} \times K_{6Y}}{V_{\text{ОП}}} \quad (9)$$

Кўп ҳолларда таклиф этилаётган услубдан республика ва минтақалар бўйича молиявий кўрсаткичлар ҳамда коэффицентларни ҳисоблаш асосида кичик бизнес соҳаси ривожланиши бўйича самарали натижаларга эга бўлиш мумкин.

Тадқиқот ишида кичик бизнес соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар кенг ўрганилиб, илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Таҳлилларимизга кўра, баъзи хорижий давлатларда кичик бизнес соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши юқори, айримларида эса паст. Масалан, 2019 йил 1 январь ҳолатига Францияда бу кўрсаткич 62,0 фоиз, Италияда – 60,0 фоиз, Японияда – 55,0 фоиз, Германияда – 54,0 фоиз, Буюк Британияда – 53,0 фоиз, АКШда – 52,0 фоиз, Қозғистонда – 25,6 фоиз, Россияда – 20,0 фоизни ташкил этган (2-расм)¹².

¹² Малый и средний бизнес как фактор экономического роста России / Ин-т экон. политики им. Е.Т. Гайдара. – М. : Изд-во Ин-та Гайдара, 2019. – 308 с.



2-расм. Айрим хорижий давлатларида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши (2019 йил 1 январь ҳолатига), фоиз¹³

Бунда хорижий давлатларда кичик бизнес субъектларини таснифлашда мезонларга ҳам эътибор беришади. Масалан, АҚШда ходимлари сони 100 кишигача ҳамда йиллик айланмаси ҳажми 3 млн.дан 12 млн.АҚШ долларигача бўлган субъектлар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Ходимлар сони 100 дан 500 кишигача бўлган субъектлар эса ўрта бизнес субъектлари деб юритилади. Шунингдек, Россия Федерациясида кичик бизнес субъектларига ходимлари сони 100 кишигача ҳамда йиллик тушуми ҳажми 400,0 млн. рублгача бўлган субъектлар киради.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини статистик таҳлили» деб номланувчи иккинчи бобида мамлакатимизда кичик бизнес соҳаси ривожланишининг иқтисодий-статистик таҳлили, улардаги муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳамда ўтказилган статистик кузатишлар ва уларнинг натижалари ёритилган.

Мамлакатимизда таққослама баҳоларда яратилган реал ЯИМ 2020 йилда 2010 йилга қараганда 59,4 трлн.сўмга ошиб, ўсиш суръати қарийиб 1,8 баробарга, ўртача йиллик ўсиш суръати эса 1,061 мартага тенг бўлган. Бу кўрсаткичлар кичик бизнес соҳасида тегишли равишда 137,4 трлн.сўмни, 1,9 ва 1,074 мартани ташкил қилган. Демак, кичик бизнес соҳасининг ЯИМга нисбатан илгарилаш коэффициенти 1,076 баробарни (193,6:180,2) ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасининг ЯИМдаги ҳажми динамикаси

Йиллар	ЯИМ	ЯИМ	2010 йилга нисбатан	Банд бўлган аҳоли сони
--------	-----	-----	---------------------	------------------------

¹³ www.mniapf.ru/analytics/small_business

	ҳажми, млрд. сўм*	ҳажмида кичик бизнес улуши, %	ЯИМнинг ўзгариш суръати, фоиз		Миллий иқтисодиёт бўйича	шу жумладан: кичик бизнес соҳасида	Миллий иқтисодиёт бўйича, минг киши	шу жумладан: кичик бизнес соҳасида, фоиз
			Миллий иқтисодиёт бўйича	шу жумладан: кичик бизнес соҳасида				
2010	287 732,4	52,5	100,0	100,0	11628,4	74,3		
2011	310 131,9	54,0	107,8	110,9	11919,1	75,1		
2012	333 006,2	54,6	115,7	120,4	12223,8	75,6		
2013	358 263,3	55,8	124,5	132,4	12523,3	76,7		
2014	383 984,4	56,1	133,5	142,7	12818,4	77,6		
2015	412 582,4	62,5	143,4	171,8	13058,3	77,9		
2016	437 725,9	64,9	152,1	188,1	13298,4	78,2		
2017	457 255,2	63,4	158,9	192,6	13520,3	78,0		
2018	482 159,4	60,5	167,6	189,6	13273,1	76,3		
2019	510 117,2	56,5	177,3	190,5	13500,0	78,3		
2020	580 203,2	53,9	180,2	193,6	13239,6	75,1		

***2020 йил таққослама баҳосида**

2020 йилга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 53,9 фоизни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 2,0 баробарга ошиши таъминланган.

Мамлакатимиз ҳамда унинг ҳудудларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишини таъминлашда яратилаётган меъёрий ҳуқуқий база билан бир қаторда улар учун ажратилаётган кредитлар ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. 2019 йилда кичик бизнес соҳасига жалб этилган инвестициялар ҳажми 86886,8 млрд сўм бўлган бўлса, 2020 йилда 100395,3 млрд.сўмни ташкил этди ёки 1,16 баробарга ортди¹⁴.

Диссертацияда амалга оширилган таҳлилларимиздан кўринадики, кейинги йилларда кичик тадбиркорлик корхоналари яшовчанлиги камайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

2021 йил 1 январь ҳолатига қарийиб 437 мингта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, ундан фаолият олиб бораётгани 411 мингтани ташкил қилган. Ёки 26,0 мингтаси амалда фаолият кўрсатмаяпти.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2020 йилда республикаимиз ҳудудлари бўйича кичик бизнес соҳасининг ЯХМдаги улуши Жиззах вилоятида юқори даражага етиб 82,7 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида 77,1 фоиз, Хоразм вилоятида 75,3 фоиз, Бухоро вилоятида 74,7 фоиз, Самарқанд вилоятида 73,9 фоиз, Наманган вилоятида 73,7 фоизни ташкил қилган. Қашқадарё, Сирдарё, Андижон, Фарғона вилоятлари, ва Қорақалпоғистон Республикасида 56,2—69,9 фоиз оралиғида бўлган. Тошкент ва Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич республика кўрсаткичи (53,9 фоиз)дан кам, мос равишда 48,3 фоиз, 25,5 фоиз ва 45,8 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳудудлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ялли ҳудудий маҳсулотдаги улуши динамикаси, фоиз¹⁵

Ҳудудлар	Йиллар						2020 йилда 2000 йилга нисбатан мулк ўзгариши, фоиз
	2000	2005	2010	2018	2019	2020	
Юқори даражада							
Жиззах вилояти	37,1	58,3	77,3	85,4	82,3	82,7	45,6
Сурхондарё вилояти	39,1	42,8	71,7	80,2	77,9	77,1	38,0
Хоразм вилояти	34,2	47,1	71,8	78,1	75,4	75,3	41,1
Бухоро вилояти	33	40,7	64,1	80,2	73,5	74,7	41,7
Самарқанд вилояти	44,3	49,9	73,6	79,7	74	73,9	29,6
Наманган вилояти	33,4	45,2	76	79,6	75	73,7	40,3
Ўрта даражада							
Қашқадарё вилояти	25,8	34,9	55	71,1	69,5	69,9	44,1
Сирдарё вилояти	38,9	59,8	77,4	76,3	68,4	69,2	30,3
Андижон вилояти	32,9	35,8	54,7	72,4	69	68,9	36
Фарғона вилояти	32	40,8	59,5	70,1	68,3	67,9	35,9
Қорақалпоғистон Республикаси	26,9	45,1	63,6	54,9	54,7	56,2	29,3
Паст даражада							
Тошкент вилояти	34	32,3	54,7	57,3	49,8	48,3	14,3
Тошкент шаҳри	41,5	46,4	49,9	60,7	47,9	45,8	4,3
Навоий вилояти	21,5	18,5	34,4	40,8	29,5	25,5	4,0

Таҳлилларимизга кўра, кичик бизнес субъектларининг энг юқори яшовчанлик коэффиценти Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Наманган вилоятларига тўғри келмоқда. Энг паст кўрсаткичлар Тошкент ва Навоий вилоятларига ҳамда Тошкент шаҳрига тўғри келган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, 2018 – 2019 йиллардагига нисбатан 2020 йилда кичик бизнес соҳасининг ЯҲМдаги улуши бир катор ҳудудларда камайганини кўрсатади. Тадбиркорлик муҳитини янада қулайлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва рақобат муҳитини пасайтириши мумкин бўлган кераксиз имтиёزلарни бекор қилиш кўпгина кичик бизнес субъектларини йирик корхона сифатида фаолият юритиши ва йирик корхоналарнинг фаоллиги ошишига сабаб бўлгани билан изоҳлашимиз мумкин. Кичик бизнес тараққиёти учун алоҳида шарт-шароитлар яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўлов имтиёзларининг белгиланиши, нисбатан арзон кредит ресурслари тақдим этилиши натижасида мамлакатимизда, кичик бизнес корхоналари сони ошиб бормоқда. Яъни, 2020 йилнинг ўзида республикаимизда 93214 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилишга сабаб бўлди.

2021 йил 1 январь ҳолатига, республикаимизда рўйхатдан ўтган, шунингдек, фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) мос равишда 436981 та, 411203 та ва 93214 тани ташкил этиб, 2005 йил 1 январь ҳолатига нисбатан мос равишда 3,2 баробар, 4,1 баробар ва 4,4 баробарга кўпайган, ўз навбатида таҳлил қилинаётган йилларда фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,5 баробарга камайган. Ёки, ушбу таҳлил қилинаётган йилларда умумий рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони ичида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг улуши, уларнинг яратилиш ва соф яратилиш коэффициентлари мос равишда 30,6 фоиз, 39,4 фоиз ва 4,7 баробарга кўпайган бўлса, фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектлари сони ва уларнинг тугатилиш коэффициенти эса мос равишда 33,3 фоиз ва 36,7 фоизга камайган. Шунингдек, республикаимизда кичик бизнес субъектларининг соф яратилиш коэффициентининг ўзи таҳлил қилинганда, 2020 йилда 19,1 фоизга тенг бўлган бўлса, 2005 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 4,0 фоизни ташкил этган. Соф яратилиш коэффициенти бўйича юқори натижалар 2019 йилда 21,8 фоизга, 2020 йилда 19,1 фоизга тенг бўлган (3-жадвал).

2020 йил якуни ҳолатига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича жами субъектларнинг 32,0 фоизи савдода, 20,1 фоизи саноатда, 9,9 фоизи қурилишда, 9,9 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида, 7,3 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатишда, 4,2 фоизи юк ташиш, сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаларида ва 16,6 фоизи бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда¹⁶.

Кичик бизнес соҳасининг ижтимоий - иқтисодий фаолиятини ўрганиш мақсадида биз томонимиздан махсус анкета сўровномаси тузилиб, ҳудудлар-

3-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг демографик ҳолати динамикаси¹⁷ (1-январь ҳолатига)

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Йил	Кўрсаткичлар									
	Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони	Фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектлари сони	Фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектлари сони	Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони	Тугатилган кичик бизнес субъектлари сони	Фаолият юритмаётган Кичик бизнес улуши, фоиз	Фаолият юритмаётган кичик бизнес улуши, фоиз	Яратилиш коэффициенти, фоиз	Тугатилиш коэффициенти, фоиз	Соф яратилиш коэффициенти,фоиз
2005	138444	99780	38664	21181	15621	72,0	28,0	15,2	11,2	4,0
2006	137503	100751	36752	20365	21319	73,3	26,7	14,8	15,5	-0,7
2007	147903	112260	35643	23197	13734	76,0	24,0	15,6	9,2	6,4
2008	157843	129211	28632	25995	16883	81,8	18,2	16,4	10,6	5,8
2009	165305	135561	29744	24750	17740	82,1	18,9	14,9	10,7	4,2
2010	179693	152246	27447	34318	19632	84,7	15,3	19,0	10,9	8,1
2011	193800	164052	29747	32314	18498	84,7	15,3	16,6	9,5	7,1
2012	205184	177876	27308	31242	19746	86,6	13,4	15,2	9,6	1,5
2013	206589	177551	29038	21078	19260	85,9	14,1	10,2	9,3	0,9
2014	213643	189867	23776	26334	20342	88,8	11,2	12,3	9,5	2,8
2015	221140	196014	25126	26037	18740	88,6	11,4	11,7	8,7	3,0
2016	225998	207104	18894	26896	22646	91,6	8,4	11,9	10	1,9
2017	225560	210594	14966	31279	25207	93,4	6,6	13,8	11,1	2,7
2018	242379	229666	12713	38167	21924	94,7	5,3	15,7	9,0	6,7
2019	276237	262930	13307	48922	15601	95,2	4,8	17,7	5,6	12,1
2020	353921	334767	19154	92874	15646	94,5	5,5	26,2	4,4	21,8
2021	436981	411203	25778	93214	9895	94,1	5,9	21,3	2,3	19,1

даги тадбиркорлик фаолиятлари ўрганиб чиқилди ва натижалар асосида илмий хулосалар берилди.

Бунда ҳудудларда фаолият кўрсатаётган 200 та саноат, 100 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, 100 та қурилиш корхоналари ва 200 та фермер хўжалиги, 300 та деҳқон хўжалиги, 100 транспорт ва алоқа, 300 та савдо, 500 та хизмат кўрсатиш ва сервис, 200 та оила бизнеси билан шуғулланувчи жами 2000 та тадбиркорлик субъектлари танлаб олинди.


Тадбиркорлар учун тайёрланган анкета 30 та саволдан иборат бўлиб, улар 3 гуруҳга ажратилди, яъни 1-гуруҳ. Ижтимоий ҳолатни ақс эттирувчи

саволлар; 2-гурух. Иқтисодий саволлар. 3-гурух. Тадбиркорлик субъектининг истиқболдаги ривожланишини белгилаш мақсадидаги саволлар.

Уларда ҳўжаликнинг қайси турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишлари, ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган хом ашё ёки материалларни олиш манбалари, ишловчилар сони (шу жумладан, ёлланиб ишловчилар), тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад, ишлаб чиқариш харажатлари, яратаётган маҳсулотининг ҳажми (қиймат ва натурада), уларнинг давлатга тўлайдиган солиқлари, сармоёга нисбатан олаётган даромадлари, миқдори (фоиз), тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, бу фаолиятдан олинаётган соф даромад (фойда), тайёр маҳсулотларни сотиш манбалари, олинаётган даромаднинг оила эҳтиёжига етарлилиги ёки етарли эмаслиги, тадбиркорларнинг бир-бирларига ўзаро муносабати ва бу соҳани янада ривожлантириш учун таклиф ва истаклар мужассамлашган.

Анкета саволларига жавобларни ўрганиш натижасида, шу нарса қайд қилиндики, тадбиркорларнинг асосий муаммолари молиявий маблағларнинг етишмаслиги (59,2 фоиз), бозорда рақобатнинг кучлилиги (45,9 фоиз) солиқ тўловининг юқори даражадалиги (45,1 фоиз), назорат органларининг ноқонуний аралашуви (11,8 фоиз), тўловга қобилиятли талабнинг йўқлиги (56,0 фоиз), транспорт харажатларининг юқорилиги (23,5 фоиз) кабилардан иборатлиги аниқланди ва бошқалар.

Қуйидаги 3-расмда ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасида улар фаолиятини ривожлантиришда муҳим саналган омиллар ўз ифодасини топган.



3-расм. Кичик корхона ривожланиши бўйича берилган таклифлар (фоиз ҳисобида)¹⁸

Респондентлар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қуйидаги тавсиялар берилди: тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги хориж тажрибаларини кенг доирада ўрганиш,

¹⁸ 2000 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ўтказилган сўровномалар бўйича олинган маълумотлар асосида тузилган.

уларнинг минтақага хос хусусиятларини, таҳлил қилиш ва натижаларини ҳисобга олган ҳолда, шунга мос равишда татбиқ этиш; тижорат банкларининг иқтисодий эркинлигига кенг йўл очиб бериш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш; банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредитларни ҳам ҳукумат томонидан кафолатлаш ва бошқалар. Респондентларнинг фикрига кўра, ҳудудларда мавжуд бўлган қулай имкониятлар уларнинг келгусида самарали ривожланишига муҳим омил бўлади.

